O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 15 январь, №13 (3125) Чоршанба

Гафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги олдидан

Юбилейга тайёргарлик қизғин

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан халқимизнинг кўплаб улуғ фарзандлари номи тикланди, қадри қайта эъзоз топди. Миллий адабиётимиз, санъатимиз ва маданиятимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини Ватан, халқ ва миллат тараққиёти йўлига бахшида этган юртдошларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган кўплаб хайрли ишлар бунинг яққол далилидир. Давлатимиз раҳбари Фармонига биноан "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган ана шундай ватандошларимиздан бири — атоқли ўзбек адиби, академик Ғафур Ғуломдир.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ шу йил май ойида адиб таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланади. Юбилей тантаналарига қадар адиб уй-музейи таъмирланади, атрофи ободонлаштирилади, шоир ҳайкали яратилади. Шу кунларда Тошкентнинг Арпапоя кўчасидаги Ғафур Ғулом уй-музейини таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

— Музейнинг мемориал қисми асосан таъмирлаб бўлинди, — дейди адибнинг қизи, уй-музей директори Олмос Аҳмедова ЎзА мухбири билан суҳбатда. — Хоналарни Ғафур Ғулом яшаган давридагидек жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Музей ёнида икки қаватли бино барпо этиляпти. Ундан атоқли адиб ҳаёти ва ижодига оид, шунингдек, Ғафур Ғулом ўз асарларида қуйлаган турли йирик қурилишлар тўғрисидаги экспозициялар ўрин олади. Атоқли адиб ижодини чуқур ўрганиш истагида бўлган олимлар, тадқиқотчилар ва мухлислар учун қулай шароит яратилади. Шоирнинг барча асарлари дискетларга ёзилади. Кутубхона ва кинозал бўлади. Ҳозир архивлар устида жиддий иш олиб бориляпти. Музей экспозицияларини янгилаш учун одамларнинг қўлидаги бор материал, фотосурат ва адиб ёзган хатлар йиғиляпти.

Уй-музей ёнидаги Анҳор тозаланиб, қирғоқлари тартибга келтирилгач, музей атрофи янада кўркам ва файзли қиёфа касб этади.

Юбилей муносабати билан адиб ижодига мансуб қатор китоблар нашрдан чиқарилади. Ҳозирдаёқ Ғафур Ғуломнинг бир жилдли "Танланган асарлар"и тўпламини нашр этишга киришилди. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида эса болалар учун лотин алифбосида "Шум бола", "Ёдгор" асарлари чоп этилаётир. Бошқа бир қанча нашриётлар ҳам адибнинг китоблари, у ҳақдаги тадқиқотлар ва илмий-оммабоп рисолаларни босмадан чиқаради.

Ўзбекистон Бадиий академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Маданият ишлари вазирлиги пойтахтимизнинг марказий қисмида барпо этиладиган адиб ҳайкалининг энг яхши лойиҳаси учун эълон қилган танловга профессионал ҳамда ҳаваскор ҳайкалтарошлардан ўттиздан зиёд ижодий иш келиб тушди. Энг муносиб лойиҳа асосида яратилган улуғвор ҳайкал пойтахтимиз марказида — Ғафур Ғулом кўчасидаги адиб номи билан аталувчи метро станцияси яқинидаги майдонда қад кўтаради.

Ўзбекистон Фанлар академияси Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Республика "Маънавият ва маърифат" маркази билан биргаликда "Ғафур Ғулом ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти" мавзуида илмий анжуман ўтказади. Адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм, унинг асарлари асосида фильм ва спектакллар, адабий-бадиий композициялар, мусиқа асарлари яратилиши режалаштирилган.

Қисқаси, Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулом юбилейини кенг нишонлаш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида барча ташкилий, амалий ишлар ўз ижросини топмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

«Айлин» — ёшлар корхонаси

Бундан олти йил муқаддам Оҳангарон туманида туркиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида «Айлин» корхонаси қурилиб, ишга туширилган эди. Ҳозирги кунда унинг маҳсулотлари — шириндан-шакар печенье ва шоколадлар нафақат ички бозоримизда, балки ташқи бозорда ҳам харидоргирдир.

Бу ерда айни пайтда 250 нафар киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ёшлардир. Шу боис «Айлин» — ёшлар корхонаси», дейишади.

«Айлин»нинг ишчи директори Аслан Ўзарнинг айтишича, яқинда унинг негизида «Адора» деб номланган яна бир янги корхона очилган. Унда турли хил хушбўй атир совунлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда ҳам фақат маҳаллий йигит-қизлар ишлаётир.

СУРАТДА: ***ёш ишчи Дилором Эшонқулова.***

Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

Олий Мажлисда

Меҳнат муҳофазаси — қонун талаби

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасининг йиғилишида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Бухоро вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Йиғилишни қўмита раиси М. Сафаева олиб борди. Унда меҳнаткашларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга, соғлигини ҳимоялашга, касб касалликларининг олдини олишга қаратилган мазкур қонуннинг бажарилиши юзасидан республикамизда, жумладан, Бухоро вилоятида ҳам муайян ишлар олиб борилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Ўтган йили давлатимиз томонидан Меҳнатни нормалаш ва меҳнат муҳофазаси маркази ишлаб чиққан меҳнат муҳофазасига доир 7 та меъёрий ҳужжатни амалга ошириш учун 14,8 миллион сўм молиялаштирилганлиги ушбу фикрнинг далилидир. Меҳнаткашларнинг меҳнатини муҳофазалаш ва меҳнат шароитини яхшилаш учун амалга оширилган чора-тадбирларни молиялаштиришга 2001 йилда республикамиз бўйича 22,5 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ сарфланган. Бу кўрсаткич Бухоро вилоятида 1,4 миллиард сўмни ташкил этган.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан 2002 йилнинг 9 ойи давомида 2001 йилнинг 9 ойига нисбатан мансабдор шахсларга меҳнат ҳақидаги қонунлар бузилиши бўйича 124 тага ортиқ ёзма кўрсатма берилган. Шу давр ичида 62 нафарга ортиқ мансабдор шахс меҳнат ҳақидаги қонунларни бузганликда айбдор деб топилган. Уларга қонунчилик асосида жарима солинган.

Лекин вилоятда бу борада ижобий ютуқлар билан бирга хато ва камчиликлар ҳам мавжуд. Техника хавфсизлигига эътибор берилмаётганлиги, меҳнатни муҳофаза қилишга шароит яратилмаганлиги, меҳнат инспекторлари сust ишлаётганлиги натижасида иш вақтида бахтсиз ҳодисалар ҳам учраб турибди. Вилоятда ишчи ходимнинг иш вақтида оғир шикастланиши, касб касалликлари кўпайиши ҳолатлари кузатилмоқда. Ўтган йилнинг 11 ойи давомида эса вилоятда 12 та бахтсиз ҳодиса юз берган. 2001 йилга нисатан бахтсиз ҳодисалар сони 12 тага камайган бўлиб, шундан ўлим билан тугагани 5 тага камайган. Тан жароҳати олганлар сони ҳам 7 тага камайган. Лекин техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмаётганлиги, иш берувчилар томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ишларининг сифатсизлиги, ходимлар махсус кийим ва бошқа ҳимоя воситалари билан таъминланмаганлигини айтиб ўтиш лозим.

Вилоятда касб касаллигига чалинганлар сони ортаётганлиги ташвишлидир. 2001 йил якунига кўра бу кўрсаткич 604 тага етган. Енгил саноат корхоналарида касб касаллигига учраш ҳолати кўпроқ кузатиляпти. Вилоятдаги 17 минтга яқин корхонанинг айримлари текширилганда, меҳнат муҳофазаси ҳолати ва меҳнат шароитлари талаб даражасида эмаслиги аниқланди. Масалан, «Бухоротранс»га қарашли 2533-автожамланмада, Когон туманидаги «Мармар» қўшма корхонасида, «Бухоронефтгазпармалаш ишлари» акционерлик жамиятида, «Қоровулбозор» нефтни қайта ишлаш заводида қонуннинг 18-моддаси талабларига зид иш юритилаётганлиги кузатилади.

Айрим корхоналарда қонуннинг меҳнат муҳофазасига оид 14, 17, 18, 19-моддаларига зид бўлган камчиликлар аниқланди. Вобкент пахта тозалаш заводи, Вобкент машина-трактор парки, «Медотекс» корхоналарида авария ёритгич тизимлари ишламайди. Электр қурилмаларига жавобгар шахсдан бошқа ходимлар техника хавфсизлиги бўйича ўқитилмаган, билимлари текширилмаган, гуруҳ тайинланмаган. Иш жойларида хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномалар йўқ. Меҳнат муҳофазаси хоналари ажратилмаган, санитария-маиший хоналар мавжуд эмас. Ходимлар дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказилмаган.

Қўмита йиғилишида меҳнат муҳофазаси қонунчилиги бузилаётган жойларда ишчи ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун жиддий хавф борлиги таъкидлаб ўтилди. Уларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўриш лозимлиги ҳақида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилишда қўмитанинг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дала ишлари кундалиги

ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК

асоси бугун яратилади

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг маълумотларига кўра, ерларнинг шўрини ювиш, далага маҳаллий ўғит чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, техникани таъмирлаш ишлари айни пайтда мамлакатимизнинг барча вилоятларида қизғин олиб борилмоқда. Масалан, энг муҳим агротехник тадбирлардан бири — ерларнинг шўрини ювишни олиб кўрайлик. Бу йилги қиш мавсумида республикамизда 1 миллион 423,3 минг гектар майдонда шундай юмушни амалга ошириш режалаштирилган.

Шўрланиш даражасига қараб, вилоятлар бир неча гуруҳга бўлинади. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларининг майдонлари кучли шўрланган, шу боис ушбу ҳудудларда ерларга икки мартадан яхоб суви бериш зарур. Сирдарё, Жиззах вилоятларининг барча майдонлари, Фарғона, Наманган, Навоий ва Андижон вилоятларининг айрим жойлари бирмунча юқори шўрланган. Жорий йилнинг 10 январигача бўлган маълумотларга кўра, мазкур юмушга республикамизда энди киришилган. Ҳаммаси бўлиб, ҳозиргача 120, 6 минг гектардаги ерларнинг шўри ювилган. Аслида эса республикамизда бир миллион 423,3 минг гектар ерга яхоб суви бериш режалаштирилган. Бу борада ҳар доимгидек, андижонлик деҳқонлар олдинда боришмоқда. Улар ҳозиргача белгиланган барча ишларни бажардилар.

Республикамизда жорий йилнинг қиш ойларида 12650 минг тонна маҳаллий ўғит жамғариш режалаштирилган. Ҳозиргача тайёрланган ўғит миқдори 3204 минг тоннани ташкил этди. Бу борада Навоий, Бухоро, Андижон, Самарқанд, Наманган, Сирдарё вилоятлари олдинда боришмоқда. Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси эса орқада қолаяпти. Ушбу юмушни асло кечиктириб бўлмайди. Боиси — ерга қанча кўп маҳаллий ўғит солинса, унинг унумдорлиги шунча ортади. Шу боис мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш зарур.

Ишнинг кўзини биладиган деҳқон баҳорда чигит экиш учун куз ёки қиш пайтида пушта олиб қўяди. Жорий йилда республикамизда ана шу усулда уруғлик қадаш учун қарийб ярим миллион гектарга яқин майдонга пушта олиш режалаштирилган. Андижонлик деҳқонлар ҳар йилгидек бу борада ҳам олдинда боришмоқда. Ҳозиргача қарийб 40 минг гектардаги майдонга пушта олиниб, бу борадаги топшириқнинг ярмини уддаладилар. Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах ва Фарғона вилоятлари деҳқонлари эса бу ишга энди киришдилар.

Ўтган йили декабрь ойининг бошида кўп миқдорда қор ёғиб, ер музлаганлиги сабабли баъзи вилоятларда шудгорланмай қолган майдонлар мавжуд. Масалан, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида ана шундай ерлар бор. Ҳозир далада қор йўқлиги, ҳаво қуруқ эканлигидан фойдаланиб бу ишни бажариш лозим. Боиси ер шудгорланса, у дам олади, ўзига солинган ўғитлардан озуқа олади.

Мутахассислар яхши билишади, ер ҳам худди тирик организмга ўхшайди. У қиш пайтида қанча кўп дам олса, турли моддаларга тўйинса, унумдорлиги шунча ортади. Демак, қосил мўл бўлади. Шу боис ерга маҳаллий ўғит, чиқиндиларни сепиш лозим. Бу ишда бир зум ҳам сусткашлик қилиб бўлмайди.

Хуллас, қосилга замин шу кунларда қўйилади. Эртанги қосил тақдири ҳозир амалга оширилаётган ишларга ҳам боғлиқ десак муболаға бўлмайди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳақиқатдан қиш деҳқон учун бекорчилик фасли эмас. Бу пайда у илгаридан мўлжаллаб юрган бошқа юмушларини ҳам бажариши мумкин. Бир сўз билан айтганда, бугунги ҳаракат, эртанги ҳаракат деганларидек, кузда олинадиган қосил тақдири шу кунга ҳам боғлиқ.

Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбек замини неъматлари Европа бозорларига

Шу йилнинг 17-26 январь кунлари Берлинда ўтказиладиган "Яшил ҳафта-2003" қишлоқ хўжалик маҳсулотлари халқаро кўргазмаси Ўзбекистон ва Германия Федератив Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек мамлакатимиз маҳсулотларини Европа бозорига чиқариш, хорижий инвестицияларни жалб этиш имконини беради.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва бир қатор уюшма ҳамда компаниялар томонидан ташкил этилаётган миллий кўргазмадан ўзбек замини нознеъматлари ўрин олади.

«Туркистон-пресс»

Маҳсулот хилма хил ва сифатли

"Каттақўрғон ёғ-мой" акциядорлар жамиятида янги линия ишга туширилди. Тайёр идишларга тозаланган ёғ қуйишга мўлжалланган ушбу цехда кунига 20 тоннадан зиёд ёғ қадоқланаётир.

Корхонада қадоқланган ёғдан ташқари пахта, маҳсар, кунгабоқар ёғлари, хўжалик совунлари, шелуха тайёрлашда ҳам яхши натижаларга эришиляпти. Маҳсулотларнинг сифатли ва хилма хиллиги акциядорлар иқтисодий имкониятларининг ошишига хизмат қилмоқда.

А. САТТОРОВ.

Сўнгги хабарлар

«Бизнесинкубаторга грант»

Фарҳод Тўраев Шаҳрисабздаги "Бизнесинкубатор"нинг директори. Ўтган йили унинг ташаббуси билан 107 киши компьютер технологияси ва инглиз тили курсларини тамомлади. Шулардан 20 нафари ишсиз мақомини олган ёшлар эди.

Бу йил ҳам Фарҳод Тўраевнинг лойиҳаси "Евроазия" жамғармаси мутахассисларига маъқул келиб, салкам 12 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант ажратилди. У бу маблағ ҳисобидан 100 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, бухгалтерия, маркетинг соҳасидаги билимларини мукаммаллаштириш, ишсиз юрган ёшларни ҳам тадбиркорлик сирларидан бохабар қилиш ниятида.

Н. РАВШАНОВ.

Кўпкари кўплар ўйини

Яқиндагина қуриб битказилган Жиззах отчопари от спорти ишқибозларининг севимли масканига айланиб бораяпти. Белгиланган режага асосан, бу ерда Наврўз байрамига қадар якшанба кунлари кўпкари ўтказилади. Бундан мақсад вилоят чавандозларининг маҳоратларини ошириб бориш, уларни республика ва халқаро мусобақаларга тайёрлашдир.

Ўтган якшанба куни ўтказилган кўпкарида 200 нафардан зиёд чавандоз 40 та соврин учун куч синашдилар. Тошкент вилоятидан келган чавандоз Қудратхўжа Усмонов бир ярим миллион сўмлик -энг катта соврин эгаси бўлди. Жиззахлик Шертой полвон Сувоновга эса бир миллион сўмлик соврин насиб этди.

Б. САТТОРОВ.

Олам билан боғлар бу «ришта»...

"Нукус — Учқудуқ" темир йўлининг "Элликкалъа" бекатидан Бўстон шаҳрига олиб борадиган 6,5 километрлик шохобчаси қурилиши жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Энди ушбу пўлат излар орқали "Элликкалъа олтин толаси" ҳиссадорлик жамиятидан хомашё, "Эltекс" тўқимачилик мажмуи, "Юнивер" ва бошқа корхоналарнинг рақобатбардош маҳсулотлари жаҳон бозорига йўл олади. Бу темир йўл мамлакатимизни хорижлик ҳамкорлар билан боғлайдиган риштадир.

Я. ҚЎЧҚОРОВ.

Тили бийрон болалар

Андижон шаҳридаги 23-мактаб ўқувчилари ўз она тилларидан ташқари иккита хорижий тилни ҳам мукаммал ўрганадилар. Сабаби, мактабда хорижий тилларни ўрганишга астойдил эътибор берилганлигида, қолаверса, болаларнинг тил ўрганишга иштиёқлари баландлигида. Куни кеча мактабда "Немис алифбоси байрами" бўлиб ўтди.

— Тил билган эл билади, — дейди мактаб директори Мукаррамхон Халилова. — Ёшларимиз мустақил ҳаётга қадам қўйгунга қадар бир неча тилларда бемалол сўзлаша олсин. Зеро, замон талаби ҳам шу.

О. ШОДМОНАЛИЕВ.

Янги йилнинг дастлабки медали

Спортчиларимиз 2003 йилдаги дастлабки мусобақаларни кўтаринки руҳда бошлади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан маълум қилишларича, янги йилнинг илк медали юртимиз дзюдочиларига насиб этди. Японияда ўтказилган "А" тоифали халқаро турнирда 73 килограмм вазн тоифасида бел олишган Эгамназар Акбаров бронза медалга сазовор бўлди.

Катта мураббий Армен Бағдасаров шогирдларидан Санжар Зокиров ҳам ўз вазн тоифасида кучли бешликдан жой олди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Беҳзод ижодига бағишланди

Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида «Камолиддин Беҳзод — Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Таниқли мусаввирлар, санъатшунослар ва Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари иштирок этган ушбу кечада асосан, Беҳзоднинг Шарқ миниатюраси санъати ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз борди.

— Мазкур анжуманни ўтказишдан мақсад, — дейди марказ директори В. Лобо, — мусаввир ижоди билан яқиндан танишиш, маданиятларимиз тарихининг ўзаро яқинлиги, асрий илдизлари, қардошлик алоқаларининг муштараклиги ҳақида бошқаларни ҳам хабардор қилишдир.

«Туркистон-пресс»

Газетада босилмади, аммо...

ШИКОЯТЧИ ҲАҚ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Қувалик отахон Абдумутал Турсунов таҳририятимизга йўллаган мактубида "Андижон — Фарғона" ҳамда "Андижон — Маргилон" йўналишларида қатновчи автобусларнинг айрим ҳайдовчилари ва чиптачиларининг ўта қўполликлари ҳақида ташвиш билан ёзганди. Жумладан, 2002 йил ноябрь ойида Асакадан Қувага йўл олган 17 AF 017 рақамли "Икарус"га чиқмоқчи бўлганида чиптачи йигит уни ҳақораталб, турткилаб тушириб юборишга интилганидан қаттиқ ранжиганини билдирганди. Худди шундай ҳолатга 17 AF 054 рақамли автобусда ҳам дуч келганини афсус-ла тилга олганди. Биз ушбу шикоят хатини текшириш ва зарур чора-тадбирлар белгилаш учун "Андижонтранс" автомобилда юк ва йўловчилар ташиш уюшмасига жўнатгандик. Шу муносабат билан яқинда уюшма бошқаруви раиси Э.АБДУЛЛАЕВдан қуйидаги расмий жавобни олдик:

"Мазкур масала юзасидан уюшма бошқаруви раисининг йўловчилар ташиш бўйича муовини А.Норматов 2002 йил 15 декабрь куни 2511-автосафда бўлди. Шикоят хати корхона бошлиқлари билан биргаликда йўловчиларга нисбатан қўпол муомалада бўлган ҳайдовчилар ва чиптачилар ўртасида муҳокама қилинди. Пировардида, отахонга қўполлик қилгани учун 17 AF 017 ва 17 AF 054 автобуслари ҳайдовчиларига ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима солинди. Чипта сотувчилар эса ишдан четлатилдилар.

Бундан кейин ҳайдовчилар билан йўловчилар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган турли келишмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида барча ҳайдовчилар қайта йўриқномадан ўтказилди".

Сизни халқ таълими вазири эшитади

Муҳтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетхонлари!

Шу йил 17 январь, жума куни соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Рисбой ЖЎРАЕВ телефон орқали мулоқот соатлари ўтказади.

Агар Сизни мамлакатимиз халқ таълими тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган улуғвор вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги, бу борадаги янгиликлар, муаммолар қизиқтирса, шу соҳадаги ишларни янада яхшилашга оид таклиф ҳамда мулоҳазаларингизни айтишни истасангиз, қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг.

139-42-14, 139-19-59.

Мабодо, вазирга берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача бевосита 133-38-01, 133-10-17 рақамли телефонлар орқали ёки 133-71-07, 133-57-34, 139-11-73 рақамли факс орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Бевосита мулоқотга марҳамат.

Обод маҳалла-бизнинг маҳалла

Фақат бизнинг тупроқда учрайдиган мўътабар гўша бор. Ёшу қари унинг бағрида яшайди, қувончу ташвишларини бирга баҳам кўради. Унинг шаъни, ор-номуси, нуфузини кўзларининг қарағида асрайди. Чаман ичра муаттар гулдек бўй кўрсатиб, тароват таратиб турган ўша гўша ҳаммани бирдек кўради. Қалбларда эзгулик, поклик, ҳалоллик сингари инсонни инсон қилиб безаб тургувчи фазилатлар уруғини ниш ундиради.

Ота-она, қариндош уруғлар йўлга сололмаган бола айнан шу гўшада ҳаёт сабоғини олади. Бошингизга бирон иш тушгудай бўлса, даставвал асқотадиган, тўғри йўл кўрсатадиган, ёлғизлатиб қўймайдиган ҳам худди шу гўша.

Биз азиз билган, шарафлаган, аҳли аёлларимиздан тортиб дилбандларимизгача тенг қулоқ тутадиган бу гўшани маҳалла деб атаймиз.

САОДАТ ОШЁНИ

— Қишлоғимиз катта, йигирма мингдан ортиқ аҳоли яшайди, — лутф қилади Избоскан туманидаги Шерматобод қишлоқ фуқаролар йиғинига саккиз йил раислик қилган Турғунхон ака Тожихонов. — Бешта маҳалламиз бор. Уларнинг ҳар бири — бир олам. Кейинги йилларда маҳаллаларимизга файз қўнгандай. Йўллар кенгайди, ғўзапоя ғарами, хас-хашаклар уюми ўрнида гуллар унди. Акмал Икромов номли, «Гузар» маҳаллаларида юзлаб тураржой бинолари тикланди. Табиий газ кириб келди. Ана шу уйлар, асосан, халқимизнинг азалий удуми — ҳашар йўли билан тикланди. Оилаларда қўйди-чиқдилар камайди. Тўй ва бошқа маросимлар ихчам, камчиқим ўтадиган бўлди. Илгарилари катта-катта маблағларни талаб этадиган тадбирлар ўрнини эндиликда савобли, хайрли ишлар эгалладди. Маҳаллаларимизда моддий ёрдам фонди ташкил этилди. Унинг ташкилотчилари Иккинчи жаҳон урушида қон кечган 28 фронтчи, 410 нафар пенсионер, юзга яқин кам таъминланган оилалар холидан ҳамиша бохабар.

— Маҳалладошларим бир-бирларига эзгуликлар тилаб яшайдилар, — мўмин кўзларида миннатдорлик шуъалари ёлқинланди Акмал Икромов номи билан аталувчи маҳалла фаоли Икромжон ака Маҳмудовнинг. — Илингани яхшилик, тотувлик. Каломларида соғлиқ, омонлик. Меҳр-оқибатни кўзларининг қарағида кўргандай бўламан. Чеҳралари офтобдай иссиқ уларнинг. Ана ўша инсонлар қирчиллама қиш чилласида уйига ўт кетган «Гузар» маҳаллалик Манзурахон ва ҳайдовчи бўлиб ишловчи Икромжонларнинг жонига аро кирдилар. Уларни ўз ҳолига ташлаб қўймадилар. Бирови куйиб кулга айланган томга ёғоч келтирди. Яна бири шифер берди. Маҳалла устаси Мадаминжон бўлса, ёнига уч-тўрт йигитни олиб томларни тиклади. Кўрпа-тўшак, идиш-товоқ ҳам қўшнилардан чиқди.

— «Гузар» маҳалласида Қобилжон отли ногирон биродаримиз истиқомат қилади, — Икромжон ака бошлаган суҳбатга қўр ташлади Турғунхон ака. — Қарангки, хотиниям ярим жон. Маҳалладагиларга минг раҳмат, ҳилвираб қолган уйини қўплашиб тиклаб беришди. Иссиқ-совуғидан хабар олиб туришибди.

— Бизга ўхшашларга йилнинг ҳар чорагида 25-30 минг сўмдан моддий ёрдам ҳам кўрсатилаётир, — кўзларида ёш ҳалқаланади Қобилжоннинг. — Очиғи, бу каби мурувватни бир қориндан талашиб тушган жигаринг ҳам қилолмайди. Суянса суянгудай, таянса таянгудай маҳалладошларинг борлигини ҳис этиб яшашнинг ўзи бир бахт.

Яқинда Узун кўчалик Ҳошимжон Паттоев вафот этди. Ейман-ичаман дегувчи тўрт гўдак чирқиллаб қолди. Уйдан кўчага чиқмаган хотини не қиларини биролмайди. Ер қаттиқ, осмон узоқ. Кўзига олам тор кўринган ўша кезлари онаизорнинг мадор кетган белларига, хира тортган кўзларига маҳалласидагилар дармон бўлдилар. Улар айтдиларки, ўғилларингизнинг суннат тўйларини қўплашиб ўтказамиз. Қизларни куёвга узатиб, ўғилларингизнинг тўй ошини ўзимиз дамлаймиз. Юракдан чиқариб айтилган сўзлар дилга малҳам бўлди. Она кўнгли, бироз бўлса-да, таскин топди.

Куз ўрталарида Марказий Фарғона ҳудудидаги Улуғнор туманининг балиқчилик хўжалигида бўлган эдик. Чор-атрофни оппоқ шўр қоплаганди. Ҳамроҳимиз Холжўра Тошмирзаев бизни эски таниши Александр Абрамовнинг хонадонига таклиф этди. Ҳовлига кириб ҳайратдан ёқа ушладик. Сўлим Қуванинг ҳар бири чойнакдай анорлари, иссиқсевар мева-пўртахол, Ургутнинг новвотранг узумлари, шохлари ларзон беҳи-ю олмалар, лола-ю атиргуллар эртаклардаги «Боғи Эрам» билан ҳусн талашарди.

— Ўзбекнинг маҳалласи бор бўлсин, — соф ўзбек забонида сўзланди Александр. — Йигирма йил аввал хотиним Тамара иккимиз чўлга кўчиб келганимизда, тўй-тўркинларда бутун маҳаллага бепул мастава, ош, чой-нон, мева-чева, қанд-қурс тарқатилганидан, одамлар қайтар чоғида улар қўлига тугунларда яна егуликлар улашилганидан ҳайратлангандик. Бу ерда яшовчилар тўп-тўп бўлиб ариқ-зовурларни ҳақ олмай тозалаганига, кўча, уй деворларини текинга тиклаганига ажаблангандик. Ўша одамлар уйма-уй юриб шўри тўпиққа урган бу ерларга қайси дарахт экиш кераклигини, уларни парваришлаш йўлларини эринмай уқтирганларига ҳечам ақлимиз етмасди. Боғимизда бутун маҳалла одамларининг ҳиссаси, меҳнати бор, албатта.

Умр йўлдошимминан икки бола тарбиялаб билдикки, бағри кенг одамлар ўзларининг яхши хислатларини атрофдагиларга улашиб яшар эканлар. Оқсоқоллар бўлса, маҳалладаги ҳар бир одамнинг юриш-туришини зийраклик билан кузатишар экан. Ножўя қадам ташлагудай бўлсанг, ўртага олиб изза қилишаркан. Айниқса, болаларни назардан қочиришмас экан. Маҳалламизда қўли қинғир, нияти бузуқ, безори кимсаларнинг умуман йўқлигини кексалар шарофати деб биламан.

Ҳамиша яхшиликларни раво кўргувчи ўша одамлар йўриғидан чиқиб бўладими? Улардан яширинча бирон ишга қўл уриш маҳалла юзига оёқ қўйиш эмасми? Маҳалладан айрилганинг — элдан айрилганинг.

Маҳалланг — отанг, маҳалланг — онанг, маҳалланг — устозинг. Умуминсоний қадриятларимизни бало-қазолардан асраган, авайлаб камолга етказган, қон-қонимизга сингдирган бу муқаддас даргоҳ, қут-барака ошиёни Юртбошимизнинг яна бир хайрли саъй-ҳаракатлари билан янгича мазмун, янгича шукуҳ касб этадиган бўлди. Авлод-аждодларимиз ғоят қадрлаган ва ҳамиша пок тутган бу қўҳна гўша энди ўзгача салоҳиятга эга бўлади. Гуркираб ривож топади. Зеро, ҳар қандай ниҳол замини тинч, одамлари меҳнаткаш, карвонбошиси оқил ва доно юртда чуқур илдиз отади, кучга тўлиб гуллаб яшнайди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Марду майдон

Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультетида республикамиз Қуролли Кучлари учун олий маълумотли офицер кадрлар тайёрлаб беради. Курсант ва талабаларга умумтаълим, умумтехник ва гуманитар фанлардан ТАТУ профессор-ўқитувчилари таълим бермоқдалар. Шунингдек, уларга замонавий ҳарбий билимлар ва ҳарбий техника сир-асрорларини катта тажрибага эга бўлган ҳарбий офицер-ўқитувчилар ўргатмоқдалар.

СУРАТДА: *махсус факультет курсантлари Шоҳруҳ Ярашев, Шерзод Жўраев машғулот пайтида.*

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«БУРГУТ»НИНГ ПАРВОЗИ

Мақоламиз қаҳрамонини бургут билан таққослашимиз боиси — унинг бошчилигидаги махсус разведкачилар взводи шахсий таркиби узоқдан кўра билиш, вазиятни тўғри баҳолаш ва ҳужумда тезкор ҳаракат қилиш каби хислатларни ўзида мужассам этганидадир. Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган офицер Жамшид Салимовнинг Ватанимиз Мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан "Жасорат" медали билан тақдирланиши ҳам хизматига юксак баҳо бўлди, десак янглишмаймиз.

Мураккаб синов

Жамшид аслида разведкачиликка ўқиган эмас. 1998 йилда Самарқанд олий ҳарбий автомобил қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугатиб, оддий бўлинмада ўз хизматини бошлаганди. Аммо, ўзининг командирлик қобилиятлари – бўлинмани бошқара билиш ва жанговар ўқувни тўғри ташкил қилиши, юқори жисмоний тайёргарлиги билан қўмондонликнинг назарига тушганди. Шу боис унга разведкачи бўлиш таклиф қилинганди. Бу эътибор ва ишонч Жамшидни руҳлантириб юборди. Лекин унинг қувончига бироз ҳадик қўшилганини айтиб ўтмасак, бўлмайди. Ўйлаб кўринг, бор-йўғи икки ярим йиллик офицерлик тажрибаси бор ёш йигитга янгидан ташкил бўлган махсус бўлинмани ишониб топширишнинг ўзи қандайдир таваккалчиликка ўхшайди. Шунинг учун уни тавсия қилганларнинг юзларини ерга қаратмаслик Жамшид учун жуда муҳим эди.

Ўтган йилнинг ёз ойларида Сурхондарё вилояти Сариосиё туманида бўлиб ўтган катта тезкор-тактик машғулотлар марказий матбуотда кенг ёритилганди. Ушбу машғулотнинг иккинчи босқичига қатнашган муаллиф ҳам янги бўлинманинг профессионалларга хос ҳаракат қилишга интилишини кўриб қувонганди. Фақат офицерлар ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчилардан иборат бўлган разведкачилар взводи шахсий таркиби яқиндагина ташкил қилинганига қарамасдан, бир-бирларига мослашиб кетганининг ўзи катта лейтенант Ж.Салимовда бошқарувчилик қобилияти юқори эканлигини яққол кўрсатди.

Капитаннинг баҳоси

Илк синовда қозонилган муваффақият разведкачиларга янги куч бағишлади десак, муболаға бўлмайди. Чунки ўтган ёзда катта лейтенант Ж.Салимов бошчилигидаги взвод округ разведкачилар йиғинига қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритди.

— Йиғинда бизни оғир синовлар кутганди, — деб эслайди Шаҳриёр Самиев. — Биринчидан, биз белгиланган нуқтага 30 километр йўл босиб, тоғлар орасида яширинча ҳаракатланиб боришимиз талаб қилинди. Бу вазифани уддалагач, тоғли ҳудудда шартли душманни топиб, яксон қилиш тартибини текширувчиларга кўрсатдик. Ундан ташқари, пистирма қўйиш, блокпостни муҳандислик талабларига биноан таъмирлаш каби шартларни ҳам бажардик.

Взвод командирининг айтишича, йиғинни бошқарган округ вакили капитан Илья Зайцев разведкачилар тайёргарлигини юқори баҳолаган. Бу ютуқда гуруҳ командирларининг ҳиссалари салмоқли бўлди. Катта лейтенантлар Шаҳриёр Самиев, Одилжон Набиев ва Қаҳрамон Раҳмонқуловлар учун навбатдаги синовлар касбий маҳоратларини оширишда муҳим босқич вазифасини ўтади.

Жамоа обрўсини кўтариб

Яқинда бўлиб ўтган ўқув йилнинг якуний синов машқларида разведкачилар юқори натижаларни қўлга киритгани бутун қисм обрўсини кўтарди десак, хато қилмаймиз.

— Ютуқларимизнинг омили, менимча, командирнинг шахсий таркибни ҳар томонлама ўрганиб, ҳар кимга қобилиятини кўрсатиши учун имкон беришида, — дейди взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, катта лейтенант Давлат Истатов. — Қайсидир жамоада командир ўз сўзини, тўғрими-нотўғрими ўтказишга интилса, ўша ерда носоғлом муҳит юзага келади. Бизда ундай вазиятларга умуман йўл қўйилмайди. Чунки разведкага чиққанингда, қуролдошингга тўлиқ ишонишинг даркор...

Бу гапларни, фахр билан айтган жамоа сардорига ва бўлинма хизматчиларига оғир, аммо шарафли хизматларида зафарлар тилаб қоламиз.

Майор Аблай КАМАЛОВ.

Муносабат

Огоҳлик — аввало, ўзни англашдир

Бугунги кунда огоҳлик, ҳушёрлик ҳақида жуда кўп гапирилмоқда. Бу бежиз эмас.Негаки кишилардаги лоқайдлик ва бефарқлик ёшлар ўртасидаги баъзи хавфли иллатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Айнан мана шу иллатлар турли хил жиноятларни келтириб чиқараяпти.

Ҳар биримиз, аввало, ўз фарзандимизнинг юриш-туриши, иш ва ўқиш жойидаги обрўйи, ким билан дўст эканлигидан бохабар бўлмоғимиз керак. Ўз фарзандини оқил ва маданиятли қилиб ўстираолган ота-она жамият осойишталиги ва унинг тараққиётига муносиб улуш қўшган шахс ҳисобланади.

Ана энди бир ўйлаб кўрайлик. Ўз фарзандининг тарбияси билан жиддий машғул бўлмаган кишилар ўзганинг тақдири, унинг бугуни ва эртаси ҳақида жиддий бош қотирармикин? Хулоса битта: биз аввало, ўз ўғил-қизимизнинг тақдири билан қизиқайлик. Ана шунда ўзгалар тақдири ҳам биз учун бегона бўлмайди.

Мен кўп йиллардан буён маҳалла оқсоқоли лавозимида ишлаб келаяпман. Маҳалламиздаги аҳиллик ва тотувликни таъминлашда биз асосан, қишлоқдаги обрўли кексаларга, кўп фарзандли оила бошлиқларига, оқил ўғил-қиз тарбиялаётган кишиларга таянамиз. Уларнинг тажрибаси, намунали ҳаётини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатамиз. Мана шу анъана бизнинг фаолиятимизда жуда яхши самара бераяпти.

Огоҳликнинг энг асосий таянч нуқтаси Юртбошимиз таъкидлаганларидек, маҳалла ҳисобланади. Бизнинг ҳудудда 1500 нафарга яқин киши истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири ҳалол меҳнат орқасидан кун кечирса, демак биз яхши фаолият юритаётган ҳисобланамиз.

Огоҳлик, бу — аввал, ўз яқинларига, қўни-қўшнига, маҳалла-қўйга бўлган чинакам инсоний эътиборда кўзга ташланади. Шу эътибор бор бўлган жойда фақат яхшилар етишиб чиқади. Огоҳлик бурчни англаш, ўзликни англаш, уни қадрлаш каби туйғулардан иборатдир.

К. УСМОНОВ.
Боёвут тумани.



200 минг доллар тежалмоқда

«Қўқонэлектромаш» акциядорлик жамиятида Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси учун маҳаллий хомашёдан 15 турдан зиёд бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Натижада илгари йилига шу мақсад учун сарфланадиган 200 минг АҚШ доллари миқдорида валюта тежаб қолинаяпти. Қувонарлиси, ана шу бутловчи қисмларнинг барчаси акциядорлик жамияти муҳандис-техник ходимларининг ишланмалари асосида тайёрланаётир.

СУРАТДА: *чилангарлар Адҳам Яҳёев ва Раҳматжон Маҳкамов иш устида.*

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«Тадбиркорбанк» — ишбилармонлар мададкори

Банкларни иқтисодиётнинг қон томирига қиёслашади. Бу бежиз эмас. Зеро, жамиятдаги барча соҳалар фаолияти бевосита банк билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис ривожланган банк инфратузилмасини яратиш, кадрлар тайёрлаш тизимини вужудга келтириш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, банк тизимини жаҳон банклари ҳамжамиятига интеграциялаштиришга қаратилган кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бу борада акциядорлик тижорат "Тадбиркорбанк"да қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мухбиримизнинг ушбу банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Т. ҚОРАЛИЕВ билан суҳбати шу хусусда.

— Тўрабой ака, аввало, банкнинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Хабарингиз бор, кичик ва ўрта бизнесни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қишлоқда тадбиркорлик ва мулкчиликнинг бошқа янги шаклларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш тузилмаларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги 13-сонли қарорига мувофиқ, "Тадбиркор" акционерлик тижорат банки ташкил этилган. Унинг асосий вазифалари деҳқон ва фермер хўжаликларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи хусусий корхоналар ва фирмаларга хизмат кўрсатишдир. Дастлаб банкимиз томонидан 13 мингта мижозга хизмат кўрсатилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 42 мингтани ташкил этмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, айни пайтда биз жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисоб рақамларини очиш ва юритиш, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари фондлар кредит линиялари маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш йўли билан уларни қўллаб-қувватлаш, қимматли қоғозлар билан операциялар ўтказиш, аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш, учинчи шахсларга кафолат ва бошқа мажбуриятлар бериш, факторинг ва молиявий операцияларни амалга ошириш, банк фаолияти билан боғлиқ маслаҳат хизмати кўрсатиш борасида иш олиб бораяпмиз. Хусусан, аҳоли маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича "Хирмон", "Нуроний", "Саховат", "Мавсум", "Орзу" каби муддатли омонат турлари мавжуд. Шу мақсадда республикамиз ҳудудларида 43 та мини банкимиз ишлаб турибди.

— Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилаётган кредитлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Айтиш жоизки, 1993 йили банк томонидан тадбиркорлик субъектларига 65,8 миллион сўм миқдорида кредит ажратилган бўлса, бултур бу кўрсаткич 13,6 миллиард сўмга етди. Чунки ўтган даврда кредит қўйилмалари миқдори 64,8 миллиондан 12,2 миллиард сўмга ортди. Шуни таъкидлаш керакки, авваллари кредитлар қисқа муддатларга берилган бўлса, эндиликда кредит қўйилмаларининг 58,3 фоизи ўрта ва узоқ муддатларга ажратилмоқда.

— Рақамлар қувонарли. Лекин кредитлардан унумли фойдаланиб, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшаётган хўжалик юритувчи субъектлари салмоғи қандай?

— Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, ажратилаётган кредитлар туфайли кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг иқтисодий салоҳияти юксалиб бормоқда. Мисол учун, 1999 йилдан бери банкимиз билан узвий алоқада бўлиб келаётган "Шамс" фабрикаси ва унинг «Шамс агро» шўъба корхонаси фаолиятини олиб кўрайлик. Улар кредитлардан унумли фойдаланган ҳолда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган гугурт тайёрлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйдилар. Банкнинг Андижон вилоятидаги Оҳунбобоев бўлими билан ҳамкорликда фаолият юритаётган "Оқ сув" фермер хўжалиги эса Туркиянинг "Аквел" фирмаси билан биргаликда йилига 58 тонна сутни қайта ишлаб, аҳолига пишлоқ, сариёғ, творог каби маҳсулотларни етказиб бермоқда. Эътиборлиси, бу корхонанинг маҳсулотлари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясига қарашли самолётларда парвоз қилаётган йўловчиларга ҳам манзур бўлаётир. "Хумор" масъулияти чекланган жамияти ҳам банкимиз томонидан ажратилган 10 миллион сўм кредитдан мақсадли фойдаланиб, айни пайтда чинни буюмлар ишлаб чиқармоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Маълумки, кичик ва ўрта тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратиш ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада банк томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Вазирлар Маҳкамасининг "Тижорат банкларининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 195-сонли қарорига кўра, Махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан кредитлаш тартиби тасдиқланган. Унга биноан, кредитлар учун ҳисобланадиган фоизлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш даражасининг 50 фоизи ҳажмида белгиланган. Ўтган вақт давомида ушбу имтиёздан банкимизнинг 242 нафар мижози фойдаланди. Яъни уларга 300 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Шу билан бирга, эндигина тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган, юридик шахс мақомини олган деҳқон ва фермер хўжаликлари, микрофирмаларга дастлабки сармояни шакллантириш мақсадида 791 миллион сўм кредит берилди. Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртларида тўлов- контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш учун эса 406 нафар талабага 93 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилди.

Хулоса қилиб айтганда, «Тадбиркорбанк»чилар бундан буён ҳам мижозларга сифатли ва намунали хизмат кўрсатиб, мамлакатимиз иқтисодий қудратининг юксалишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаверадилар.

«Халқ сўзи» мухбири
Саидолим ҲАЙДАРОВ
суҳбатлашди.

Оммавий-ватанпарварлик ойлиги якунланди

Мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни — Қуролли Кучларнинг 11 йиллигига бағишланган оммавий-ватанпарварлик ойлиги якунланди. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий кенгаши мазкур тадбирни тегишли вазирликлар ва идоралар, қўмиталар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширди.

Ойликни ўтказишдан асосий мақсад Конституциямизнинг Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ғояларини меҳнаткашлар, айниқса ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, Қуролли Кучларимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга қўмаклашишни янада яхшилашдан иборат бўлди. Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини намунали йўлга қўйиш, ўсмирларни спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турлари билан шуғулланишга фаол жалб этиш ҳам тадбир мобайнида долзарб вазифалар қаторида турди.

Ойлик дастурига мувофиқ республикамизда кўплаб оммавий- ватанпарварлик тадбирлари ўтказилди. Хусусан, ҳокимликлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар, Қуролли Кучларнинг вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар ва курсантлар армиямиз қисмларида бўлиб, ёшларнинг муддатли ҳарбий хизматдаги турмуш шароити ва жанговарлик фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ҳарбий хизматчилар билан турли учрашув ва суҳбатлар ўтказилди, таниқли санъаткорларнинг чиқишлари уюштирилди. Айниқса, Мудофаа вазирлиги ҳамда "Ватанпарвар" ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган аскарларнинг ота-оналар билан учрашуви мазмунли ўтди.

Ташкилотнинг Термиз автомобиль мактаби курсантларининг оталиқдаги ҳарбий қисмга ташриф буюриши ва у ерда ҳарбий хизматчилар билан учрашув ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Шунингдек, Андижон вилоятида "Мардлар қўриқлайди Ватанни" шиори остида фахрийлар иштирокида ватанпарварлик автоюриши ўтказилди. Андижон шаҳар Бирлашган техника ва Шаҳрихон автомобиль мактабларининг курсантлари гарнизондаги оталиқ ҳарбий қисмларида ҳамда Бобур номидаги ва вилоят ўлкани ўрганиш музейларида бўлди.

Самарқанд бирлашган техника мактаби, Самарқанд, Жомбой ва Каттақўрғон автомобиль мактаблари курсантлари Самарқанд ва Каттақўрғон гарнизони ҳарбий қисмларида бўлиб, армияда аскарларга яратилган шарт-шароит ва ҳарбий техника билан яқиндан танишдилар. Бу борада, айниқса, Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий қисмлар ва билим юртларида ташкил этилган "Очиқ эшиклар куни" муҳим аҳамият касб этди.

Фарғона Бирлашган техника ва Риштон автомобиль мактабларида "Ватан ягонадир — Ватан биттадир" мавзуида суҳбатлар уюштирилди. Шунингдек, Навоий автомобиль мактабида оммавий-ватанпарварлик ойлигининг очилишига бағишлаб ўтказилган тантанада ҳарбий қисмдан таклиф этилган аскарларнинг жанговар кураш усуллари билан кўргазмали чиқишлари ёшларда унутилмас таассурот қолдирди.

Тадбир доирасида қишлоқ, маҳалла, овуллар ва билим юртларида "Маънавият сабоқлари", "Ватан остонадан бошланади", "Жасур аскар бўлай десангиз" мавзуларида ёшлар билан учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этишга жиддий эътибор қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўтказилган бу оммавий-ватанпарварлик ойлиги ёшларни мустақил Ватанимиз, унинг шавкатли Қуролли Кучларига меҳр-муҳаббат ва милдий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Долзарб мавзуда суҳбат

Таълим кўрган даргоҳингни унутма!

Равшан Ражабович Ашуров — Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультети декани, физика-математика фанлари доктори, профессор. Инглиз тилида бамисоли она — тилидагидай эркин гаплашади, эркин ёзади, эркин, бемалол маърузалар қилади. Англиянинг Оксфорд, Бермингем, Японияннинг Киото университетларига бориб, математика фани бўйича маърузалар ўқиган. Германиянинг физика-математика марказига маъруза ўқиш учун таклиф қилинган.

Р.Ашуров икки марта Америкадаги халқаро СОРОС жамғармаси грантларига сазовор бўлган. У бошқараётган факультетнинг бир гуруҳ талабалари ва аспирантлари Италиядаги "Абдус-Салом" номли халқаро математик физика илмий марказининг грантини олишга муяссар бўлдилар. Улар ана шу марказ топшириқлари асосида илмий тадқиқотлар билан шуғулланмоқдалар ва 3 йил мобайнида шу марказ стипендиатлари ҳисобланадилар.

Таниқли олим яқинда АҚШдаги халқаро АЙРЕКС жамғармаси грантини ҳам қўлга киритиб, ўн ҳафта мобайнида океан ортида илмий сафарда бўлиб қайтгач, у билан худди шу мавзуда суҳбатлашдик.

— Равшан Ражабович! Аввало, газетхонларимизга шу халқаро жамғарма тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— АЙРЕКС — Халқаро илмий тадқиқотлар ва тажрибалар алмашинишни дунё миқёсида рағбатлантирувчи кенгаш ҳисобланади. Бу жамғарма АҚШда 1968 йилда ташкил топган. Ҳар йили бутун жаҳон университетлари учун долзарб илмий-амалий муаммоларни ҳал этиш бўйича ўз грантларини жорий этиб туради.

Жамғарма ўтган 2002 йилда собиқ СССР ҳудудидаги ҳозирги кунда мустақилликка эришган давлатларнинг университетлари бошқарув аппаратида ишлаётган профессор-ўқитувчилар учун ўз грантларини эълон қилди. Бу грантларга Россиядан 11 киши, Белоруссиядан 2 киши, Молдовиядан 1 киши, Ўзбекистондан мен сазовор бўлдик. Ушбу грант дастурига кўра, юқорида номлари саналган давлатлар университетлари намояндалари АҚШдаги университетларда ўн ҳафта мобайнида бўлиб, бу олий таълим даргоҳлари бошқарувидаги бирон муҳим жиҳатни чуқур, атрофлича ўрганиб, шаклланган хулосаларини илмий иш сифатида тайёрлаб, уни Вашингтонда илмий-педагогик мутахассислар олдида ҳимоя қилиши керак эди. Ушбу дастур Нью-Йоркнинг Д.Карнеги корпорацияси томонидан маблағ билан таъминланган. Дастур 2002 йилнинг 23 сентябридан 7 декабргача давом этди.

— Сиз ўз илмий ишингиз учун қандай масалани танладингиз?

— Мен университетимиз ректори, академик Т.Долимов билан маслаҳатлашиб, АҚШ университетлари бошқарувининг муҳим бир жиҳати бўлган — университетларда битирувчилар билан ишлаш қандай йўлга қўйилганлиги масаласини обдон ўргандим ва шу мавзуда илмий иш тайёрлаб, ҳимоя қилдим.

Биз, яъни мен ва Россиянинг Пермь Давлат университети халқаро ишлар бўйича проректори, профессор Б. Проскурнин билан иккимиз АҚШнинг Боулинг Грин университетида худди шу масалани ўрганиш бўйича фаолият олиб бордик.

Умуман олганда, университетларнинг битирувчилари билан ишлаш дунёда биринчи бўлиб АҚШда Йеел университетида 1792 йилда бошланган. 1821 йилда Вильям коллежида биринчи марта Битирувчилар жамияти тузилган. Бундай ташкилот кейинчалик, 1826 йилда Принстон университетида, 1838 йилда эса Виржиния университетида вужудга келган. Ҳозирги кунда АҚШ университетларининг деярли барчасида битирувчилар билан ишлаш ташкилотлари бор, уларни бошқараётган кадрлар ниҳоятда ҳалол ва ўз ишининг устаси бўлган кишилардир.



СУРАТДА: (чапдан ўнгга) профессор Б. Проскурнин, Боб Тафт, Р. Ашуров.

— Хўш, бу иш Боулинг Грин университетида қандай йўлга қўйилган экан?

— Боулинг Грин университети Боулинг Грин шаҳрида 1910 йилда вужудга келган. Ҳозир бу олий таълим муассасасида 19 минг талаба ўқияпти.

Шу ўринда битта изоҳ. АҚШ университетларида олий бошқарув органи — Васийлар кенгашидир. Бу кенгаш аъзолари шу университетлар жойлашган штатларнинг губернатори томонидан тайинланади. Васийлар кенгаши аъзолари университет президентини сайлайди ва у университетга раҳбарлик қилади.

Боулинг Грин университетига кейинги етти йил мобайнида профессор Сидней Рибау муваффақиятли равишда президентлик қилмоқда. Шу давр ичида университет ҳудудида 9 та янги муҳташам бино қурилибди. Улардан энг маҳобатлиси, асосан, университет битирувчиларидан йиғилган 36 миллион АҚШ доллари ҳисобига қурилган "Талабалар кенгаши" деб аталади-ган кошона. Унинг залларида мажлислар ва илмий анжуманлар ўтказилади. Кошона ичида ресторанлар, банк ва дўконлар жойлашган. Бинода жуда кўп талабалар дарс қиладиган алоҳида хоналар ҳам бор.

Университетга С.Рибау ташаббуси билан ўнлаб таниқли олимлар ишга олинган, янги-янги мутахассисликлар очилган, спортга алоҳида эътибор қаратилган, профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошлари анча оширилган, талабаларнинг яшаш шароитлари тубдан яхшиланган. Натижада, етти йил ичида университет рейтинги 54 бирликка кўтарилган, талабалар сони 14 мингдан 19 мингга ошган.

Боулинг Грин университетининг 4 нафар вице-президенти бор. Улардан бири Университетни ривожлантириш ишлари бўйича вице-президент, профессор Ж. Смисс. Биз бевосита ана шу вице-президент билан ҳамкорликда ишладик. Унинг бошчилигида учта бўлим фаолият олиб боради. Булар — университетни ривожлантириш, битирувчилар билан ишлаш ва маркетинг бўлимларидир.

Университетнинг ривожлантириш бўлими, асосан, ҳар хил ташкилотлар ва университетни битириб кетган кадрлардан маблағ ундириш билан шуғулланади. Битирувчилар билан ишлаш бўлими эса университетни тугаллаган кадрлар билан доимий алоқада бўлади, улар билан турли тадбирлар ўтказади. Университетда шу пайтгача уни битирган ва ҳозир ҳаёт бўлган 129 минг 555 нафар кадрлар тўғрисида тўла маълумот бор. Яъни, уларнинг яшаш манзили, оилавий шароити, иш жойи, телефонлари, кўчмас мулклари, қизиқишлари ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар жамғармаси.

Университет ўз битирувчилари учун махсус журнал чиқаради ва бепул тарқатилади. Журналда университет ҳаётидаги ўзгаришлар мунтазам ёритиб борилади. Университет битирувчилари умрининг охиригача шу катта оиланинг аъзоси бўлиб қоладилар. Бу даргоҳдан ўз ёрдамларини аямайдилар. Унга, биринчи навбатда, молиявий ёрдам кўрсатадилар. Ўз ишлари тўғрисида талабаларга маърузалар ўқийдилар. Талабаларни ишга жойлаштиришга кўмаклашадилар. Абитуриентлар олиб келишда ташвиқот ишларини олиб борадилар...

— Сафарингиз пайтида эсда қоладиган яна қандай воқеалар рўй берди?

— Биз АҚШдалигимизда мамлакатда губернатор сайловлари ўтаётган эди. Сайловолди сафарларининг бирида Огайо штатининг губернатори Боб Тафт шу штатда жойлашган Боулинг Грин шаҳрига ҳам келди. Боб Тафтнинг шаҳар фаоллари билан учрашувига бизларни ҳам таклиф қилишди. Мен Боб Тафт билан қисқа фурсатли суҳбатда бўлдим. Унинг отаси, бобоси ҳам АҚШ сенаторлари бўлишган. Муҳими, катта бобоси Вильям Ховард Тафт АҚШнинг 27-Президентидир. Боб Тафт дунёга машҳур бўлган Йеел (Vale) университетида бакалаврликни ва Принстон университетида магистрликни муваффақиятли битирган. 2002 йилги сайловда Боб Тафт иккинчи марта Огайо штати губернаторлигига сайланди.

Хуллас, Боб Тафт мен билан суҳбатда Ўзбекистонни жуда яхши билишини ва республикамизда бўлган АҚШлик сенаторлар билан суҳбатлашиб, бу сафар уларда ажойиб таассуротлар қолдирганлигини эшитганлигини мамнуният билан баён қилди.

— Сиз АҚШ университетларида ўрганган тажрибалар бизнинг таълим тизимимиз учун қай даражада аҳамиятга эга?

— Менимча, бу тажрибаларни ўз шароитимиздан келиб чиқиб университетларимиз қаётига татбиқ этсак, келажакда катта самаралар беради.

Ахир, биргина Ўзбекистон Миллий университетининг ўзини битириб чиққан ўн минглаб мутахассис кадрлар бор. Уларнинг орасидан йирик давлат ва жамоат арбоблари, жуда катта ташкилотлар, корхоналар, муассасаларнинг раҳбарлари етишиб чиққан. Халқимиз орасида машҳур адиблар, шоирлар, санъаткорлар бор. Қанчадан-қанча тадбиркорлар, бизнесменлар муваффақиятли иш юритяптилар. Ахир уларни уюштирсак, университетни ривожлантиришга катта ёрдамлари тегиши аниқ.

Ана шундай ишончдан келиб чиқиб, ҳозирги кунда университетимизни битирган кадрлар билан ишлайдиган бўлим очиш устида иш олиб бораяпмиз. Насиб этса, 2003 йилнинг дастлабки чорагида бу бўлим ўз фаолиятини бошлаб юборади, деб ишонаман.

Суҳбатдош:
М.САФАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тиббиёт

"Қангликўл"да шифо маскани

Қангликўл туманидаги "Қангликўл" ширкат хўжалигида замонавий шифо маскани фойдаланишга топширилди. Мазкур шифо маскани кунига 50 нафар беморни қабул қилиш ва замонавий тарзда даволаш имкониятига эга.

"Қангликўлқурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари барпо этган ушбу бино эл саломатлигини сақлашга хизмат қилиш билан бирга, овул кўркига кўрк бағишлади.

Я. ҚЎЧҚОРОВ.

Қўлни бер, ҳамкасаба

Истиқлол йилларида мамлакатимизда кўз касалликларини даволашда энг замонавий ва самарали усуллар қўлланилаётгани қувонарлидир. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда америкалик мутахассислар билан ҳамкорликда ташкил этилган "Кристалл" маркази турли мураккабликдаги кўз хасталикларини ўз вақтида аниқлаш ва даволашда яхши натижалар бераётир.

Офтальмология соҳасида Марказий Осиёдаги энг йирик ушбу муассаса кўз касалликларини даволовчи, консультатив, ташкилий-услубий марказ саналади. Шифохонадаги болалар, умумий соматика ва томир патологияси, глаукома, катаракта, лазер, пластик жарроҳлик бўлимлари хорижнинг энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган ташҳис қўйиш, турли даволаш ва жарроҳлик муолажаларининг кўнгилдагидек кечишида муҳим омил бўлаётир.

— Бугунги кунда жаҳонда тиббиёт, хусусан офтальмология соҳасига талай янгиликлар, тадқиқотлар кириб келмоқда,- дейди клиника бош шифокори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Клара Валиева. — Врачларимиз хорижий ҳамкасблар билан доимий ҳамкорлик ўрнатган. Ўзаро тажриба алмашиш, малака ошириш, мушкул жарроҳлик муолажаларини бажаришда бу жуда қўл келмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ТИҒСИЗ ЖАРРОҲЛИК

Наманганда бир дўхтир бор. Нажмиддин Эшонов дейишади уни. Бел, оёқ, бўйин оғриғидан зада бўлганларнинг кўпчилиги шу киши ёрдамига шошадиган бўлиб қолган. Айтадики, жарроҳлик амалиёти талаб этадиган хасталикларни ҳам тиғ тегизмай даволаса бўлармиш. Кишининг ишонгиси келмайди. Бироқ шифо топганларнинг гапларидан сўнг фикрингиз ўзгаради. Н.Эшонов узоқ йиллар асаб хасталигини даволаб келган, бир неча йил аввал Москвада махсус ўқув курсини ўтаб, вертеброневролог бўлди. Биласиз, вертеброневрология тиббиётнинг умуртқа поғонаси билан шуғулланувчи мураккаб соҳаси. Мураккаблиги шундаки, бу хасталикка чалинган киши доимий оғриқдан азоб чекади. Уни тезлик билан даволаш зарур.

Нажмиддин ака хизмат қилаётган хусусий шифохонада бўлдик. Навбатда турганлар анчагина. Айримлари оёқда тик туришибди. Остеохондроз ёки диск грижасига йўлиққанларнинг бир жойда узоқ ўтириши қийин экан. Бу дард билан хасталанганларни яқин-яқингача фақат жарроҳлик амалиёти қўмагида даволаб келинган. Вертеброневролог Н.Эшонов эса умуртқаларароҳ ҳалқа қисилиб қолишини тиғсиз, дори-дармонсиз бартараф этишни ўзлаштирган.

Муолажа хонасига букчайганича кириб кетган йигит орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтмай қаддини адл тутган ҳолда қайтиб чиқди. Атрофдагилар қизиқа кетишди.

— Укол қилдими ёки бошқа нарса билан даволадими?

— Қанақа укол. Оғир юк кўтариш учун энгашган пайтида асаб толалари умуртқа поғонаси ҳалқалари орасига қисилиб қолган экан. Дўхтир жойини топиб шундай уқаладики, белларим қисирлаб кетди. Худога шукур, оғриқ тўхтади.

Ўзини Баҳриддин Саматов деб таништирган шофер йигитнинг гапидан бошқалар ҳам енгил тортишди.

— Остеохондроз, диск грижаси, сурункали бош оғриғи, сийдик тутолмаслик. Орқа мия фаолияти ўзгариши билан боғлиқ бундай касалликлар илгари нега кўп бўлмаган?

— Улар илгари ҳам бўлган, — дейди шифокор. — Аслида вертеброневрология янги соҳа эмас. Бугун одамлар унга бот-бот мурожаат қилаётгани соҳадаги тажриба ва янгиликлар кенг қўлланилаётгандан. Илгари бу хасталикка учраганлар "Ўзи тузалиб кетар", дея даволанишга шошилмаганлар. Баъзилар бўлса ўзларини ўзлари даволашган. Замонавий тиббиёт эса жарроҳлик амалиётига суянган. Бунда беморларнинг тузалиши анча чўзилган. Чунки, жарроҳ тиғи қўлланилганда бемор икки-уч ой қимирламай ётишига тўғри келади.

Анъанавий усулдан фарқли равишда Н.Эшонов сингари янгилик ишқибозлари қўллаётган мануал терапияда тиғ аралашувига ҳожат йўқ. Дўхтирнинг шифобахш қўллари кучи билан махсус машқлар ёрдамида суяклар ҳаракатга келтирилади. Тўғри, бир қарашда осонгина кўринган бу усул соҳибидан ўша, бир бирига яқинлашиб қолган суякларни ўрнига келтириш, қисилиб қолган тоғай ва асаб толаларини бўшатиб олиш учун анчагина маҳорат талаб этадики, бу юмушни унча-мунча одам уддалаши мушкул.

Дўхтир қабулига келаётганларнинг аксарияти кучли оғриқни бир зумда йўқотишига умидвор бўлишади. Мануал терапиянинг ўзига хос жиҳати ҳам шунда. Илгари ҳам оғриқ қолдирувчи кучли дорилар ёрдамида бемор ҳолати дарҳол енгиллаштирилган. Бироқ, енгиллик вақтинча бўлиб, оғриқ яна қайталанган.

— Оғриқ дарҳол тўхташининг сабаби оддий. Дискни қисиб қолган умуртқа поғонаси ўз жойига олиб борилса, диск ҳамда асаб толалари қисилиши бўшашади- қолади.

Бу вертеброневрологнинг ўз даволаш усули ҳақидаги мухтасар шархи. Унинг қанчалик самара бераётганини шифо топганлардан сўрадик.

Бел оғриғи оёғимга ҳам ўтиб, юролмай қолгандим, — дейди Моҳира Раҳимова. — Шифохонага олиб боришганди, операция қилиш керак, дейишди. Бу турдаги операцияни фақат Андижонда ўтказишар экан. Нажмиддин ака ҳақида эшитиб қолдик. Қўли дард кўрмасин, дастлабки муолажадаёқ белимдаги оғриқ қўйиб юбориб, оёқларимга жон кирди.

Одам оғир юк кўтарганда бирдан белини тутолмай қолиши ҳолатларини кўп кузатганмиз. Халқимизда буни "бели бертилиб қолибди", дейилади. Мутахассиснинг айтишича, киши, масалан 35 килограмм юкни кўтараётганда белга роппа-роса 500 килограмм куч билан таъсир кўрсатар экан. Шундай пайтда озгина эҳтиётсизлик ўша «бел бертилиши" ёки остеохондроз ҳамда диск грижасини келтириб чиқарар экан. Ҳайриятки, тиббиётдаги ислоҳотлар натижасида соҳага кириб келаётган фан ва амалиёт ютуқлари, жаҳон тажрибасида ўзини оқлаган янгиликлар бундай хасталикларни тез ва оғриқсиз даволаш имконини беряпти. Ички касалликлар врачи Абдужаббор Ғаффоров ҳамкорлигида хусусий вертеброневрология марказини ташкил этиб, дардмандлар жонига оро кираётган Нажмиддин Эшоновнинг саъй-ҳаракатлари ҳам ислоҳотлар меваси. Агар истиқлол бўлмаганда у интилиш ва имкониятларини рўёбга чиқариш йўлида имконият тополардими, дадиллик кўрсатолармиди?

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Лукма

«Госстрах» хизматидан фойдаланинг»

Бу таниқли ибора аллақачон ўтмишимиз қатларидан ўрин олганлигини яхши биламиз. Негаки, бугунги кунда мамлакатимиз суғурта тизими ўзининг шаклшамойилини тўлалигича ўзгартириб жаҳон андозаларига яқинлаштирилди.

Бироқ, маргиёнолик айрим кишилар ҳамон эски тузум «Госстрах»идан кўнгил узиша олмаётганга ўхшайди. Бўлмаса, «Ипакчи»лар шаҳарчасидаги марказий бекат ёнида жойлашган кўп қаватли уйларнинг энг тепа қисмида «Госстрах» хизматидан фойдаланинг!» деган ташвиқот «порлаб» турмас эди.

Балки ўтган ўн йилдан ортиқроқ давомида бу улкан ёзувларга ҳеч кимнинг нигоҳи тушмагандир? Лекин жамоатчилик-чи?! Ахир, ҳар куни юзлаб-минглаб одамлар шу ердан ўтишади-ку! Ёки улар «Госстрах» деган сўз атамаси ўзбек имло луғатида йўқлигини билишмасмикин?

Ачинарлиси шуки, шаҳар кўчаларини кезсангиз, турли ҳажм ва шаклдаги русча, инглизча, тожикча ва арабча ёзувларда битилган кўплаб пешлавҳаларни учратишингиз мумкин. Биз ҳали «фотография, «Парикмахерская», «Аптека», « Ксерокопия» деган сўзлар ҳақида фикр юритганимиз йўқ. Ҳа, дарвоқе яқинда яна бир янгилик рўй берди. Маргилон кўчаларида «Ксеронусха» деган янги пешлавҳалар пайдо бўла бошлади. Қизғи эса бу янги сўз атамасини янада кўз-кўз қилиш учун яқинда уни шаҳарнинг марказий чорраҳаларидан биридаги баланд бинога эни ҳам бўйи баробаридаги ҳарфлар рангли бўёқларда битиб қўйилди. Унга кўзингиз тушиши биланоқ, наҳотки шу сўз ўрнига оддийгина қилиб «Нусхакўчиргич» деб ёзиб қўяқолса бўлмасмикин, деган ҳаёллар ўтади. Бунинг учун кўпам узоқ йўлаб ўтиришнинг хожати йўқ-ку.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Президентликка номзодини кўрсатмоқчи



Америкалик таниқли сенатор-демократ Жозеф Либерман АҚШда 2004 йил бўлиб ўтадиган президент сайловларига ўз номзодини кўрсатишини эълон қилди. «Мен АҚШ президенти лавозимига номзодман ва ғалаба қозонмоқчиман» — деди Либерман. Сенатор — демократ ўз қарори ҳақида Коннектикут штатида маълум қилди, деб хабар беради «РИА «Новости».

Шаҳзода император вазифасини бажаради

69 ёшли Япония императори Акахито Токио давлат университети касалхонасига ётқизилди. Простата безлари саратон касаллигига чалингани учун у шанба куни операция қилинади. Врачларнинг гапига қараганда, жарроҳлик амалиётига тайёргарлик яхши кетаяпти. Декабрь ойида императорга уч марта қон қуйилди.

«ИТАР ТАСС» мухбирининг хабар беришича, император даволаниб чиққунига қадар, унинг барча конституцион ҳуқуқларини меросхўр шаҳзода Нарухито бажариб туради. Жумладан, у 20 январь куни отасининг ўрнига Япония парламентининг сессиясини очади.

Нарухито бундан аввал ҳам император чет эл сафарларига кетганда ўн марта отасининг вазифасини вақтинча бажариб турган.

Кучли қорбўрон

Германияда ҳафтанинг бошида бўлиб ўтган кучли қорбўронлар кўп ҳудудларда транспорт алоқасининг тўхтаб қолишига сабаб бўлди. ГФРнинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларида табиий офат кўплаб автоҳалокатларга сабаб бўлди.

«РИА «Новости» агентлигининг маълумотига қараганда, қорбўронлар Шимолий Рейн-Вестфалия, Бранденбург, Саксония, Саксония-Ангальт ва Тюрингияларда давом этмоқда.

Жиноятчи ватанига қайтарилди

Россия фуқароси Андрей Михайлов Ослода қилган ўғирлик ва босқинчилик жинояти учун Норвегия суди томонидан 1,5 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Интерполнинг Миллий марказий бюроси матбуот хизматининг хабарларига кўра, А.Михайлов Осло қамоқхонасида жазо муддатини ўтаб бўлди. Кеча Норвегия полицияси уни Интерполнинг Россия бюроси ходимларига топширди.

«ИТАР-ТАСС» мухбирининг хабар беришича, жиноятчи энди яшаш жойи — Оренбургга жўнатилади.

Ҳарбийлар сони яна етти мингга кўпаяди

Пентагон Форс кўрфазига яна 7 мингта ҳарбий хизматчи жўнатди. Улар Калифорния штатида жойлашган Кэмп-Пендлтон базаси денгиз пиёдаларидир. Аскарларни АҚШ ҳарбий денгиз флотининг еттита ҳарбий кемаси Ироқ чегарасига яқин жойга келтиради.

Ҳозиргача Форс кўрфазига американинг 60 минг аскар ва зобитлари ташланган, деб хабар беради «ИТАР ТАСС» агентлиги.

Янги океан пайдо бўладими?

Яна бир неча миллион йилдан сўнг Буюк Африка ёриғи ўрнида янги океан пайдо бўладими? Бу саволга Эфиопияда иш бошлаган илмий тажрибанинг учинчи босқичи жавоб бериши керак.

Тадбирда Эфиопия, АҚШ ва Европа давлатлари тадқиқотчилари иштирок этмоқда. Олимлар ўн кун давомида Эфиопиянинг шимоли-шарқида жойлашган Афар туманида тажрибалар ўтказади. Бу эса Қизил денгиздан Эфиопия орқали Мозамбиккача чўзилган Африка ёриғи ҳақида яна кўпроқ маълумот тўплаш имконини беради.

Никел-аллергия қўзғовчи

Швейцариялик тиббиётчиларни қайишларнинг металл тақалари ташвишга солаяпти. Уларнинг таъкидлашича, металлга суртилган никел инсон терисига текканда аллергия қўзғатади. Базелда лабораторияда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳар учта қайишнинг биттасида никел нормадагидан кўп ишлатилган. Шуни таъкидлаш лозимки, Швейцария аҳолисининг ўнтадан биттаси «никел аллергияси»га чалинган. Шунинг учун ҳам бу хавфли товарни мамлакатда сотиш тақиқланган. Бу ҳақда «ИТАР-ТАСС» мухбири хабар берган.

Энг ёш денгизчи

Британиялик 15 ёшли Себастьян Кловер Атлантика океанини яхтада сузиб ўтган энг ёш денгизчи бўлди. У 25 кун ичида 2700 миль (4320 километр) масофани босиб ўтиб Антигуа оролига келди.

«Би-би-си»нинг маълумотига кўра, Себастьян отаси — Иэн билан икки яхтада Канар ороллaридан ўтган йилнинг 19 декабрь куни йўлга чиққан эди.

Чет эл ахборот агентликлари хабарлари асосида тайёрланди.

ДУНЁ ЭЪЗОЗИДАГИ ҚАДАМЖО

Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг янги босқичи бошланди

Ислом маданияти тарихида ўчмас из қолдирган Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд халқимизнинг ардоқли фарзандларидан биридир. Буюклик вақт ва чегарани "тан" олмайди. Инчунун, тасаввуфий таълимот — "Нақшбандия" тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг поклик, меҳршафқат, адлу инсоф, меҳнатсеварликка оид ҳур фикрлари умумбашарий аҳамиятга молик бўлиб, асрлар оша ўз қадр-қимматини йўқотмай келмоқда. Кўҳна Шарқнинг Хожа Аҳрор Валий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби донишманд сиймолари уни ўзларига маънавий устоз деб билганлари бежиз эмас.

Юртбошимиз жорий йилнинг октябрь ойида вилоятга ташриф буюриб, аллома ҳоки ётган маконни зиёрат қиларкан, бу жойни унинг шаъну шавкатига муносиб равишда қайта таъмирлаш зарурлигини таъкидлади. Кўп ўтмай, яъни 12 ноябрда Вазирлар Маҳкамасида тасаввуф илмининг асосчиларидан бири — Абдулхолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йилигига тайёргарлик масаласига оид йиғилиш бўлиб, унда бир йўла Нақшбанд зиёратгоҳини ҳам қайта реконструкция қилиш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

— Зиёратгоҳни ободонлаштириш ҳаётий зарурат, — дейди туман меъмори Ғиёс Давронов. — Бу ерда Нақшбанд бобомиздан ташқари кўплаб табаррук инсонлар, азиз-авлиёлар мангу қўним топишган. Мозордаги қабрлар, сағана ва даҳмалар таъмирталаб бўлиб қолганини билардик. Даҳмаларга элтадиган йўлаклар тўсилиб қолган, бу эса етти иқлимдан келадиган зиёратчилар учун ноқулайлик туғдирар эди. Эндиликда бундай камчиликларга барҳам берилаяпти. Белгиланган тадбирлар тўла-тўкис амалга оширилгач, зиёратгоҳ бутунлай янги қиёфа касб этади. Ҳозирги кунда бу ерда туман хўжаликлари, шаҳардаги корхона ва ташкилотлардан жалб этилган 500 га яқин киши меҳнат қилмоқда.

Кадрият

Дарҳақиқат, зиёратгоҳда эртаю кеч ҳаёт қайнайди. Зиёратгоҳнинг қуйи қисмида қадимий меъморчилик анъаналарига мутаносиб равишда қўш дарвоза барпо этилди, қабр ва даҳмаларга элтувчи йўлаклар қайтадан таъмирланди. Дониёлбий дарвозаси янгидан барпо этилгач, ҳазрат даҳмаси жойлашган ҳовлига олиб борувчи мафсофа анча қисқаради. Боби Салом дарвозаси билан Абдуллахон хонақоҳи ўртасидаги йўлакларни ўзаро туташтириш режалаштирилган. Даҳмаи Шоҳон ансамблида ҳам катта ҳажмдаги таъмирлаш тадбирлари амалга оширилади, даҳмаларни ажратиб турувчи ўнлаб йўлаклар тартибга келтирилади. Тупроқ остидан чиқаётган қабртошлар алоҳида жойга жамланиб, инсон суяклари шу атрофдаги қабрларга қўйилаяпти. Ер остидаги зах сувларни қочириш мақсадида ёпиқ ва вертикал дренаж қудуқлари барпо этиш кўзда тутилмоқда.

— Ғарбий дарвоза йўлида катта ҳажмдаги тупроқ қазиш ишлари амалга оширилди, — сўзини давом эттиради Ғ. Давронов. Эндиликда жанубий дарвоза ўрнида янгиси барпо этилаяпти. Зиёратгоҳга киравершда йўл бўйлаб кишилар дам оладиган ва тиловат қиладиган махсус иншоот, таҳоратхоналар қад ростлайди. Ҳазрат мақбараси жойлашган ҳовлидаги айвонни мукаммал таъмирлашни ўйлаяпмиз. Зиёратгоҳ атрофида 5 гектарлик кўркам боғ барпо этилади.

Нақшбанд бобомиз ўз устозларига чексиз эҳтиром кўрсаттанлиги, уларга нисбатан садоқатли бўлганлиги тарихий манбалардан яхши маълум. Ул зотнинг онасига бўлган фарзандлик меҳри ҳам афсонага айланиб кетган. Яқин орада бу икки зиёратгоҳни боғлаб турувчи йўл текисланиб, яхлит ҳолга келтирилади. Бухоро-Когон йўли кенгайтирилиб, кенглиги 25 метрга етказилади ва икки томонда пиёдалар учун алоҳида йўлак барпо этилади.

Бобомиз ҳалол меҳнат орқали камтарин ҳаёт кечирган. Шу боис тириклигидаёқ шоншуҳратга бурканган. Нақл қилишларича, бир дарвеш Баҳоуддиндан сўрабди: "Аё ҳазрат, фақат рост айтинг, бу қадар баланд мартабага қай бир хизматингиз орқали муяссар бўлдингиз?"

Дебдилар: "Резачинлигимдан!"

Бундай камтар ва буюк инсонлар нафақат тириклигида, балки ҳаёт шами сўнгандан кейин ҳам ҳурмат-иззат қилинаверади. Зеро, келгуси йили 685 йиллиги нишонланадиган Нақшбанд бобомиз руҳига, меросига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор кўрсатилмоқда.



Сулаймон ШОДИЕВ,
журналист.
Носир ТОШЕВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Самарқандда Ўзбекистон Қуролли Кучлари аскарлари ўртасида кураш бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Аскарлар беллашадилар

Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган ушбу беллашувда республикамиздаги ҳарбий билим юртлари, бешта округ, ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига қарашли 12 та жамоа полвонлари ғолиблик учун куч синашдилар.

Аскарларга хос шижоат билан ўтган мусобақаларда умумжамоа ҳисобида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль муҳандислари билим юрти спортчилари биринчи ўринни эгалладилар. Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти полвонларига иккинчи ва чирчиқлик курсантлар жамоасига эса учинчи ўрин насиб этди.

А. САТТОРОВ.

Акром ғолиб бўлди

Пойтахтимиздаги республика шахмат-шашка клубида "Тошкент қиши — 2003" республика турнири ўтказилди.

Турнирда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 120 нафарга яқин спортчи иштирок этди. Акром Тошхўжаев турнир ғолиблигини қўлга киритди.

"Туркистон-пресс".

Аёзли тун — ой-юлдузлар чарақлайди,
Яхлаган йўл ойнадайин ярақлайди.

Деразадан ташқарига боқар бемор,
Ҳамма ором олар бу пайт, бир у бедор.

Ухламасдан узун-узун ўй суради,
Тўйиб ухлаш учун ҳали улгуради.

Куни бўйи йўл қаради — кўп кутди у,
Кейин эса ўксик дилин овутди у.

Ўз-ўзига деди: «Ажаб кўнглинг бор-да,
Ким ҳам сени эслар шундоқ аёз, қорда!..»

Чиндан ҳам кўп оғир келди бу йилги қиш...
Фарзандларин ўйлаб босди дилин ташвиш.

Лекин шу зум мижжасига қалқди ёши:
Лоақал бир йўқламади ёстиқдоши!..

Аёзли тун - ой-юлдузлар чарақлайди,
Яхлаган йўл ойнадайин ярақлайди.

Бир ғариб дил ташқарига боқар бедор —
Онасининг қайноқ меҳрин қўмсар бемор.

Хаёлида олисларга учади у,
Қирда чопган болалигин қучади у.

Тўртликлар

Энг асл дамларни сочдик шамолга,
Шундан юрак тўла ўкинч-малолга.
Ҳали қўл урмаган ишлар бесаноқ,
Биз-чи, бериламиз тағин хаёлга!

* * *

Сарф этдинг умрингни — тиришдинг азал
Битта муаммони этайин деб ҳал:
Дунёни мукаммал кўрмоқчи эдинг,
Бўлолдингми аввал ўзинг мукаммал?

* * *

Ғапим чинлигига қилмагин гумон,
Устун бўлолмассан дунёга, инон.
Йўқлик сандиғига тушарсан бир кун,
Юз йил от устида урсанг ҳам жавлон.

* * *

Ўкинма кетса гар давлатинг, молинг,
Қўлинг очиқлиги — буюк иқболинг.
Қошингда ғаним ҳам қилар илтифот,
Агар ҳиммат бўлса сенинг қуролинг.

* * *

Тинмайин довонлар ошасан, инсон!
Гоҳи дарёлардек тошасан, инсон!
Бир зум нафас ростла — дамлар ғанимат,
Манзилингга бунча шошасан, инсон?!

* * *

Қибру ҳаволарга чоғланма зинҳор,
Ҳаргиз ҳасратдан ҳам тургил устувор.
Бошингга ғам тушган дамлар, унутма,
Фақат меҳнат бўлур сенга маҳрам, ёр.

* * *

Инсон кўз юмганда йиғлаймиз зор-зор,
Гарчи у яшади тўкис, гарчи хор.
Оҳ, эди ўзича бетакрор олам,
Қайтиб туғилмагай бу олам такрор!

* * *

Ўтган умр ўтди — қайтмас давронинг,
Балки олдинда бор не-не туғёнинг.
Лекин шу сония баридан нақддир:
Билсанг, ҳиммати шу — сенга дунёнинг.

Мирпўлат МИРЗО.

Қилмиш-қидирмиш

Пушаймондан не фойда?

Фирибгарлик бедаво дардми? «Дард», дейди Раъно Саидовани билганлар. Билмаганлар йўғ-е, дўстингиз у ёқда турсин, душманингиз ҳам ундайларга йўлиқмасинда, дея ёқа ушлаши тайин.

Раъно Саидова деганимиз фирибгарликда устаси фаранглардан. Кармана туманидаги "Самандар" хусусий фирмаси бошлиғи, ёши қирқни қоралаб қолган, тўрт фарзанднинг онаси. Илгари ҳам шундай қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилиб, давлатимиз раҳбарининг амнистия тўғрисидаги Фармонига биноан жазони ўташдан озод қилинган эди.

"Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас" деганлари ҳақ. У кимларнидир алдаб, чўнтагига қўл солишни ўйларди. Кунларнинг бирида Миллий банкнинг Навоий шаҳар бўлими ёнида ғамгин кўринган бир аёлни "нишонга" олди. Қаранг, "мўлжал" тўғри чиқди.

— 8 миллион сўм кредит ололмай овораман. Ишим чала қолиб кетаяпти-да. Бошим қотиб турибди, — дейди ҳолаҳвол сўрашгач "Достон-Мунис" фирмаси раҳбари Марҳабо Ражабова унга кўнглини ёзиб.

— Шунгаям, хафагарчиликми? Танишларим кўп. Хоҳласангиз икки кунда кредитингиз қўлингизда бўлади. Фақат бир "лекини" борда...

Марҳабо Ражабова боши айланиб, 200 минг сўм пул ва 55 минг сўм миқдоридаги тилла тақинчоқларини унинг қўлига қандай тутқазганини сезмай қолди. Раъно эса ўзининг "уддабуронлигини" кўрсатиб қўйишни унутмади "Сиз шу ерда кутиб туринг" дея банк эшигидан кириб кетди. Анчадан сўнг сохта жилмайганича пайдо бўлди.

— Эртага ҳамма ҳужжатларингизни олиб, шу ерга келинг. Кутиб тураман. Иш битди ҳисоб...

Марҳабо "меҳрибону, ширинсўз, энг муҳими ишбилармонини" учратганидан ўзида йўқ шод эди. Хайр-маъзурни қуюқ қилиб, "опа-сингил" тутинамиз, дея ишхонасига равона бўлди. Шу тариқа эртаси ҳам, индини ҳам, кейинги кунларда ҳам "опаси"ни кутаверди. Раъно эса умуман тутқич бермасди.

Орадан анча ўтгач, фирибгар яна ўша банк биноси ёнида пайдо бўлади. Янги "мижоз" қидиради. Ахир, кредит оламан деб юрган соддадилларни шу ердан изламаса, қаердан ҳам топсин. Бу гал "қармоққа" Навбаҳор туманидаги "Дайравод" фермер хўжалиги вакили М.Рўзиева илинади. Яна ўша "усуллар"ни қўллаб, ундан 440 минг сўм пул ва тилла тақинчоқларини алдаб олиб кетади.

Фирибгарлик билан топилган луқма ҳеч қачон ҳазм бўлмайди. Р.Саидова қанчалик ҳийлакор бўлмасин, ўзгаларнинг нонини "туя" қилолмади. Суд олдида жавоб берди. Айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлигини айтиб, юмшоқ йиғлади. Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг раиси Қурбон Нурматов бошқарган ҳайъат, унга нисбатан адолатли ҳукм чиқарди.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўсмирлар мусобақаси

Пойтахтимиздаги Сидней Жексон номидаги болалар ва ўсмирлар бокс мактабида "Қишки таътиллар" анъанавий халқаро турнири ўтказилди.

Мусобақада мамлакатимиз ёшлари билан бир қаторда Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларидан келган иқтидорли чарм қўлқоп усталари ҳам ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

"Туркистон-пресс"

The OSCE Centre in Tashkent is recruiting for the following position:

Economic & Environmental Assistant

Duties and Responsibilities:

- Monitor, analyze, and draft reports about current economic and environmental legislation and events in Uzbekistan.
- Design and implement projects that will support economic and environmental development in Uzbekistan.
- Maintain regular contacts with Uzbek officials and NGOs, particularly in the provinces of Uzbekistan.
- Represent OSCE Centre in Tashkent at conferences and other meetings.
- Perform other duties as required.

Please send a cover letter, in English, describing your experience, along with a resume and list of references, **by January 24, 2003 to:**

Douglas Tookey
Economic/Environmental Officer

OSCE Centre in Tashkent
Khamid Alimdjan Square
Western Side, 2nd floor
700000 Tashkent
FAX: (998-71) 120-61-25
email: dtookey@osce.sand.uz

Rule of Law Assistant

Duties and Responsibilities

- Monitor, analyse and draft reports on Uzbek legislation.
- Design and implement projects that will support Rule of Law in Uzbekistan.
- Represent the office at seminars, conferences and other meetings.
- Maintain regular contact with Uzbek officials and NGOs active in Uzbekistan.
- Maintain regular contact with ODIHR's Rule of Law department.
- Perform other related duties as required.

Please send a cover letter, in English, describing your experience, along with a resume and list of references, **by January 24, 2003 to:**

Per Normark
Human Dimension Officer

OSCE Centre in Tashkent
Khamid Alimdjan Square
Western Side, 2nd floor
700000 Tashkent
FAX: (998-71) 120-61-25
email: pnormark@osce.sand.uz

For both positions, the required qualifications are:

- Advanced degree and a thorough knowledge of the situation in Uzbekistan in the specialised field.
- At least five years working experience. Prior work for Uzbek government institutions, or in other international organizations, beneficial.
- Excellent command of English, Russian and Uzbek, including the ability to occasionally translate and interpret into these languages.
- Ability to work independently.
- Experience in drafting reports.
- Good knowledge of MS Windows applications.
- Well developed analytical and interpersonal skills.

6721/63

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ ПУДРАТ САВДОСИ (ТЕНДЕР)НИ ТАШКИЛ ЭТИШ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИНИНГ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ

ПУДРАТ САВДОСИ (ТЕНДЕР)НИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Навоий вилояти, Навоий тумани, К.Раҳимов номли ширкат хўжалигида 844 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилиши. *Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.*
2. Навоий вилояти, Хатирчи туманида санитария эпидемиология станциясининг маъмурий биноси қурилиши. *Қурилишни тугаллаш муддати — 6 ой.*

БУЮРТМАЧИ: Навоий ш., Навоий к., 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимияти капитал қурилиш бошқармаси.

Қурилиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан олиб борилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, молиявий маблағ ва бошқа моддий имкониятларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўникмага, шунингдек етарли ишчи кучи заҳираларига, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқларига ҳамда қобилиятга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий вилояти марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: 225-53-85.**

Бир тўплам (комплект) тендер ҳужжатларининг нархи — 50 минг сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Навоий ш., Навоий к., 63-уй, соат 15.00да Навоий вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси биносида.

In advertisement for the tender published in "Xalq So'zi" №12, January 14, 2003 was made a mistake and it should be read as:

UMID FOUNDATION OF THE PRESIDENT OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN TO SUPPORT THE EDUCATION OF TALENTED YOUTH ABROAD

Now invites sealed bids from eligible Bidders for the supply, delivery and installation of the computers and office equipment.

International competitive bidding will be conducted in accordance with Two-Stages, bidding procedure and is open for all Bidders.

The Bidding Document, in the English or Russian language, may be purchased by interested Bidders, who are well-known on the Uzbek market, with direct links to the computer and peripherals manufacturers. Bidders have to submit their offers to the address stated below and to make payment of a non-refundable fee in amount of $250 (for the residents of the Republic of Uzbekistan its equivalent amount in the national currency Som on the exchange rate of the Central Bank of Uzbekistan to the date of payment) and to be deposited to:

-in US dollars-
22 614 840 800 600 305 003 в ЦОО НБ ВЭДРУз, МФО 00882, 207717 UZDSPEC01

-in soms-
20 212 000 200 600 305 001 в ЦОО НБ ВЭДРУз, МФО 00882, 207717 UZSURR01

All Bids must be delivered in accordance with the Instructions to bidders on or before 12 February 2003 16.00

UMID Foundation will not be responsible for any costs or expenses incurred by Bidders in connection with the preparation of bids delivery.

The Bidding documentation is presented by tender organizer- "HAMROH LOYIHA INVEST" project-engineering company
Address: 700027, Uzbekistan, Tashkent, A.Khodjaev Street, 1.
Tel:144-33-54 Fax: 138-69-59
e-mail: hli_abu@et.uz

6727/68

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси республика радиоси «Ахборот» бош муҳарририяти гуруҳ раҳбари Дилором Умаровага падари бузруквори

Файзи ота ЛАТИПОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси киноактёр

Юлдуз РИЗАЕВАнинг

вафоти муносабати бидан марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор этади.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази жамоаси марказнинг Андижон вилояти бўлими раҳбари Абдуваҳоб Нурматовга синглиси

Муҳаббатхон НУРМАТОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси жамоаси компаниянинг кадрлар бошқармаси бошлиғи Равшан Атабаевга отаси

Хусанбой АТАБАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университет проректори, профессор Қаҳрамон Алимовга акаси

Эркин СИДДИҚОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкет Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Маркетинг ва ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси катта ўқитувчиси Ғиёс Бобохўжаевга падари бузруквори

НОСИРХЎЖА отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 71, 33553 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — М. НОРМУРОДОВА.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21. 00.
1 2 3 4 5 6